

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03.30.12.2021.Ss/Tar.21.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ

ХОДЖИМУРАТОВА ДИЛШОДА СУННАТИЛЛАЕВНА

**ЭРОН ТАШҚИ СИЁСАТИДА “ЮМШОҚ КУЧ”
(XX АСР ОХИРИ – XXI АСР БОШИ)**

07.00.05 – Халқаро муносабатлар ва ташқи сиёсат тарихи

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

УЎК: 94(55):327
КБК: 63.3 – 6(5 Ирн)
X - 69

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата доктора философии (PhD)
по историческим наукам**

**Contents of the Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)
in Historical Science**

| | |
|---|----|
| Ходжимуратова Дилшода Суннатиллаевна Эрон ташқи сиёсатида “юмшоқ куч” (XX аср охири – XXI аср боши) | 3 |
| Ходжимуратова Дилшода Суннатиллаевна “Мягкая сила” во внешней политике Ирана (конец XX – начало XXI века)..... | 21 |
| Khodjimuratova Dilshoda Sunnatillaevna “Soft power” in Iran's foreign policy (late 20th century - early 21st century)..... | 39 |
| Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works | 43 |

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03.30.12.2021.Ss/Tar.21.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ

ХОДЖИМУРАТОВА ДИЛШОДА СУННАТИЛЛАЕВНА

**ЭРОН ТАШҚИ СИЁСАТИДА “ЮМШОҚ КУЧ”
(XX АСР ОХИРИ – XXI АСР БОШИ)**

07.00.05 – Халқаро муносабатлар ва ташқи сиёсат тарихи

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Тарих фанлар бўйича фалсафа доктори (Phd) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.3.PhD/Tar933 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат шарқшунослик университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tsuos.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталига (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

| | |
|----------------------------|--|
| Илмий раҳбар: | Абдуллаев Нодир Абдулхаевич сиёсий фанлар доктори, доцент |
| Расмий оппонентлар: | Рахимов Мирзохид Акрамович тарих фанлари доктори, профессор Фармонов Раҳмон Фармонович тарих фанлари доктори, профессор |
| Етакчи ташкилот: | Ўзбекистон халқаро ислом академияси |

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат шарқшунослик университети ҳузуридаги PhD.03.30.12.2021.Ss/Tar.21.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100047, Тошкент ш., Шахрисабз кўчаси, 16. Тел.: (99871) 233-34-24; факс: (998971) 233-52-24; e-mail: sharq_ilmiy@mail.ru.)

Диссертация билан Тошкент давлат шарқшунослик университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (__ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100047, Тошкент ш., Шахрисабз кўчаси, 16. Тел.: (99871) 233-45-21.

Диссертация автореферати 2022 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2022 йил «__» _____ даги __-рақамли реестр баённомаси).

Д.Б. Сайфуллаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тарих фанлари доктори, доцент

О.И.Алимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби,
сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

Н.Э.Каримова

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
тарих фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Глобал ва минтақавий даражада дунё мамлакатларининг халқаро алоқалари жорий воқелик асосида ўзгариб бораётган бир шароитда ҳар бир мамлакат ўз миллий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ташқи сиёсий мақсадларини амалга ошириш масаласи долзарб бўлиб қолмоқда. Давлатлар ташқи сиёсатни амалга оширишда илгари асосан ҳарбий ва иқтисодий қудратига таянган бўлса, эндиликда мамлакат тарихи, тили ва маданияти дипломатия воситаси сифатида амалиётда кенг қўлланилаётгани эътироф этилмоқда. Шу жиҳатдан, Эрон Ислом Республикаси дунёнинг етакчи мамлакатлари каби ўз ташқи сиёсатини ҳар томонлама кенгайтириш ва жадаллаштиришда мазкур “юмшоқ куч” ресурсларидан фойдаланаётгани намоён бўлмоқда. Бу, ўз навбатида, расмий Техронга мамлакат ташқи сиёсатини амалга оширишда Эроннинг жаҳон сиёсий майдонидаги фаолиятини таъминлашга имкониятлар яратмоқда.

Эрон Ислом Республикаси ташкил этилганидан кейин мамлакат ташқи сиёсий фаолиятининг концептуал асослари, стратегик йўналишлари, дунё давлатлари, шу жумладан, Марказий Осиё республикалари билан муносабатлари, геосиёсий ва геоиқтисодий манфаатларини илгари суриш услублари, ташқи сиёсий ташаббуслари, ўзаро муносабатларининг ривожланиш тенденциялари, ҳамкорлик йўналишларини илмий муаммо сифатида тадқиқ этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу изланишларда XX аср охири – XXI аср боши Эрон ўз ташқи сиёсатини илгари суришда “юмшоқ куч” воситаларидан кенг фойдалангани ва унинг асосида Эрон ташқи сиёсат маҳкамаси давлатнинг етакчи сиёсий институтларидан бири сифатида замонавий мезонлар асосида шаклланиб ва тадрижий равишда ривожланиб, мамлакат халқаро ҳамжамиятда ўз ўрни ва обрўсига эга бўлишига ҳисса қўшиб келганини чуқур ўрганиш ҳозирги замон илмий тадқиқотларининг долзарб мавзуси сифатида баҳоланмоқда.

Ўзбекистоннинг хорижий давлатлар, жумладан, Эрон билан ўзаро манфаатли ва конструктив ҳамкорлик олиб бориши бугун ташқи сиёсатимизнинг муҳим йўналишига айланди ҳамда бу борада эътиборга молик тажриба тўпланди. “Икки мамлакатнинг умумий цивилизацияси ва тарихи мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий ва маданий муносабатларни ривожлантиришда муҳим роль ўйнаши мумкин”¹. Шундан келиб чиққан ҳолда, бу борада хорижий давлатлар, хусусан, дунёнинг қадимий ва айни пайт халқаро ҳамжамиятда ўзига хос мавқега эга Эрон Ислом Республикаси ташқи ва ички сиёсати ва унинг ресурслари ҳамда омилларини тадқиқ этиш муҳим вазифа ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон, 2018 йил 5 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги тизимини тубдан такомиллаштириш ҳамда ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятнинг устувор

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев. 2022 йил 17 сентябрь <https://www.gazeta.uz/uz/2021/09/17/iran/#!>

йўналишларини амалга оширишда унинг маъсулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5400-сон ва 2020 йил 16 апрелдаги “Шарқшунослик соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4680 сонли қарори ҳамда соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирга қадар Эрон ташқи сиёсатини ўрганиш бўйича муайян ишлар амалга оширилган. Хусусан, Эрон ташқи сиёсати концепцияси, асосий йўналишлари ва тамойиллари, халқаро муносабатлари бир қатор маҳаллий ва хорижий мамлакатларнинг илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, Стратегик тадқиқотлар маркази, Сиёсий ва халқаро тадқиқотлар институти, Миллий тадқиқотлар институти (Эрон), Стратегик ва халқаро тадқиқотлар маркази (АҚШ), Шарқшунослик институти (Россия), “Ал-Аҳром” сиёсий ва стратегик тадқиқотлар маркази (Миср), Стратегик тадқиқотлар маркази (БАА), Ижтимоий фанлар академияси (Хитой), Эрон тадқиқотлари маркази (Туркия)да муҳим илмий ва амалий тадқиқотлар олиб борилган.

Эрон ташқи сиёсати, унинг устувор йўналишлари, шунингдек, Техрон ташқи сиёсий мақсадларини амалга оширишда “юмшоқ куч” концепциясидан фойдаланиши ва мамлакат ташқи имижини шакллантиришда қўллаётганини тадқиқ этган ўзбекистонлик ва хорижлик олимларнинг илмий ишларини муаммовий-хронологик асосда икки гуруҳга ажратиш мумкин².

Биринчи гуруҳга Эрон ташқи сиёсати ва халқаро муносабатларини ўрганишга қаратилган тадқиқотлари киради. Бу борада ўзбекистонлик олимлар А.Хайдаров, Г.Юлдашева асарлари, рус тилида эълон қилинган Н.Мамедова, В.Юртаев, С.Дружиловский, И.Федорова, В.Ушаков, Л.Кулагина, В.Месамед, К.Марков, С.Ятимов, Э.Багиров, С.Кондратьев, В.Куршаков, Н.Кожанов тадқиқотлари, инглиз тилида нашр қилинган М.Варнар, Э.Уостниж, Т.Жуно, Р.Сэм, К.Кацман, Р.Рубензер, П.Оствич, Л.Заккара, А.Шахрам китоблар ҳамда форс тилида чоп этилган Р.Рамазоний, С.Ж.Дехқоний-Фирузободий, Х.Моулоно, М.Муҳаммадий, А.Азгандий, Э.Анушервон, М.Звеирий, М.Санжапур ва бошқа олимларнинг илмий ишларида ўрганилган³. Мазкур тадқиқотларда Эрон ташқи сиёсати генезиси ва эволюцияси, хусусан, ташқи сиёсатининг моҳияти,

²Ушбу адабиётлар ва уларнинг муаллифлари илмий ишлари диссертациянинг «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати» қисмида келтирилган.

³ Ушбу адабиётлар ва уларнинг муаллифлари илмий ишлари диссертациянинг «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати» қисмида келтирилган.

унга таъсир кўрсатувчи омиллар, шунингдек, сиёсий қарор қабул қилиш жараёни таҳлил қилинган, ташқи сиёсатида Марказий Осиёнинг ўрни ўрганилган.

Иккинчи гуруҳни “юмшоқ куч” концепциясининг назарий жиҳатлари, унинг ресурслари ва воситалари, ташқи сиёсатда фойдаланиш технологиялари ҳамда уни татбиқ этиш шарт-шароитларини ўрганишга бағишланган илмий ишлар ташкил қилади. Бу борада инглиз тилида ижод қилувчи Ж.Най, М.Фрайзер, Ж.Галларотти, А.Вувин, Ж.Маттерн, Э.Анушоҳ, С.Иброҳимия, М.Р.Гулшанпозух ва М.К.Исфаконий, ўз асарларини форс тилида ёзган Хусайн Пур-Аҳмадий, Асғар Қаҳрамонпур, Асғар Эфтахорий, Муҳаммад Хасан Сабурий ва Али Ризо Сиржоний, Ходи Шежойи, тадқиқотларини рус тилида эълон қилган Ю.Давыдов, М.Лебедева, О.Красина, О.Леонова, М.Неймарк, А.Бобыло, К.Курылев, А.Исаков каби хорижлик ҳамда ўзбек ва рус тилларида илмий изланишлар ўтказган Ш.Таджиев, Ф.Талипов, А.Юсупов, С.Саидов⁴ сингари ўзбекистонлик олимларнинг илмий ишлари муҳим назарий манба бўлиб хизмат қилган. Ушбу илмий тадқиқотларда “юмшоқ куч” концепциясининг назарий жиҳатлари, уни шакллантириш усуллари, АҚШ, Хитой, Россия, Япония, Германия, Ҳиндистон каби давлатлар томонидан ташқи сиёсатда қўлланилиши атрофлича тадқиқ этилган.

Диссертацияни тайёрлаш жараёнида мазкур тадқиқотчиларнинг назарий хулосалари ва концептуал мулоҳазалари чуқур таҳлил қилинган.

Юқоридаги илмий ишларни эътироф этган ҳолда таъкидлаш жоизки, мазкур мавзунинг ёритган ҳар бир тадқиқотчи муаммони, аввало, ўз мамлакатининг миллий манфаатлари нуқтаи назаридан ўрганган. Хорижда бу соҳада кўплаб тадқиқотлар ўтказилган ва маълумотлар тўпланган бўлса-да, Ўзбекистонда ушбу мавзу алоҳида тадқиқ этилмаган. Бундан ташқари, юртимизда Эрон тарихи, ижтимоий-сиёсий жараёнлари мавзусида бир қатор илмий ишлар мавжудлигига қарамай, ушбу мамлакат ташқи сиёсатида “юмшоқ куч” концепциясининг ўрни ва аҳамияти илмий-назарий жиҳатдан махсус таҳлил этилмаган. Бу борада ҳал қилинмаган ва ўрганилмаган кўплаб муаммолар ва масалалар сақланиб қолаётган бўлса-да, ҳамон алоҳида тадқиқот мавзуси бўлмаганини кўриш мумкин. Муаммонинг катта назарий ва амалий аҳамияти, долзарблиги ва тўлиқ ўрганилмаганлиги тадқиқот учун ушбу мавзу танланишига асос бўлган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Тошкент давлат шарқшунослик университети илмий тадқиқот ишлари режасининг 10-рақамли “Шарқ мамлакатларида кечаётган ижтимоий сиёсий жараёнларнинг ўзига хос хусусиятлари ва уларнинг халқаро муносабатларга таъсири”, А-1-191 рақамли “Хорижий тилларда тарихий асарларнинг илмий тадқиқи ва танқидий таҳлили асосида Шарқ мамлакатлари тарихига оид замонавий ўқув адабиётларини яратиш” мавзуларидаги лойиҳалар доирасида бажарилган.

⁴ Ушбу адабиётлар ва уларнинг муаллифлари илмий ишлари диссертациянинг «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати» қисмида келтирилган.

Тадқиқотнинг мақсади Эрон ташқи сиёсатидаги “юмшоқ куч” концепциясининг стратегик, геосиёсий аҳамияти, унинг ресурс ва воситалари ҳамда сиёсий мақсадларни амалга оширишга имкон берувчи ва тўсқинлик қилувчи шарт-шароитларнинг сиёсий моҳиятини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари. Мазкур мақсадга эришиш учун диссертацияда қуйидаги вазифалар белгиланди ва бажарилди:

“юмшоқ куч”дан ташқи сиёсат воситаси сифатида фойдаланишнинг назарий жиҳатларини тадқиқ этиш;

Эрон Ислом Республикаси ташқи сиёсатининг генезиси ва эволюциясини тадқиқ этиш ҳамда мазкур мавзуга оид тадқиқотларни таҳлил қилиш;

Эрон ташқи сиёсатининг институционал таъминланишини тадқиқ этиш;

Эрон раҳбарияти “юмшоқ куч” концепцияси асосида ташқи сиёсатини амалга оширишида нодавлат-ноҳукумат ташкилотлари ва жамғармаларидан фойдаланишини таҳлил қилиш;

Эрон ташқи сиёсатида замонавий технологиялар қўлланилишини аниқлаш; тарихий-маданий мерос ва дин Эрон “юмшоқ куч” манбаси сифатида қўлланилишини тадқиқ этиш;

Эроннинг Марказий Осиё республикаларига нисбатан “юмшоқ куч” сиёсати хусусиятларини таҳлил қилиш ва Эрон-Ўзбекистон муносабатларини янада ривожлантириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти этиб Эрон Ислом Республикаси ташқи сиёсатида “юмшоқ куч” концепцияси ва ундан амалиётда фойдаланиши билан боғлиқ сиёсий, ижтимоий масалалар белгиланган.

Тадқиқотнинг предмети Эрон ташқи сиёсати, қарор қабул қилиш механизмлари, ташқи сиёсатининг “юмшоқ куч” ресурслари, амалга ошириш воситалари, халқаро муносабатларида қўлланилиши ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тарихийлик, қиёсий таҳлил, тизимлаштириш, муаммовий-хронологик, структурали-функционал ва бошқа тадқиқот усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Техроннинг минтақавий ва халқаро муаммоларини бартараф этиш, ташқи сиёсатини илгари суришда дунёда сўзлашувчилар сони жиҳатидан кўпчиликни ташкил этувчи форс, араб, ҳинд, урду, инглиз, испан, рус тилларидаги Эрон оммавий ахборот воситалари халқаро санкциялар шароитида асосий минбар ва муҳокамалар майдони вазифасини бажараётгани исботланган;

Эрон Олий раҳбари Рухуллоҳ Хумайний таълимотлари бўйича Яқин ва Ўрта Шарқда сиёсий-иқтисодий жиҳатдан етакчилик қилишни таъминлашга қаратилган ташқи сиёсати армия, ракета-ядро дастури ҳамда форс маданияти, санъатидан иборат “қаттиқ” ва “юмшоқ” кучларга (ресурсларга) таяниши илмий асосланган;

Техрон ташқи сиёсатида “мусулмон бирдамлиги”, “шиа ҳамжиҳатлиги” каби диний-сиёсий ғояларга урғу бериши Эрон атрофида аҳолисининг аксарини шиа вакиллари ташкил этувчи давлатлардан иборат хавфсиз муҳит яратишга қаратилган стратегия эканлиги далилланган;

Эрон дипломатиясида давлатларга таъсир қилишнинг лоббизм, сиёсий имижни шакллантириш технологияларининг қўлланиши ва ривожланиш босқичлари, республиканинг минтақадаги ташқи сиёсатининг концептуал асослари, халқаро майдондаги геостратегик ўрни очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

тарих фанларда тан олинган услуб ва фанлараро ёндашувлар асосида Эрон ташқи сиёсатидаги “юмшоқ куч”ни тадқиқ этиш ва ўқув жараёнида қўлланилиши мумкин бўлган назарий-услубий жиҳатлар аниқланган;

Эрон тажрибасини тадқиқ этиш орқали ташқи сиёсатда “юмшоқ куч”ни амалга ошириш воситаларининг дунё ва минтақа давлатлари билан муносабатлар ривожланишидаги ўрни, унга таъсир этувчи омиллар, давлат ижобий имижини шакллантириш ва ривожлантиришда юмшоқ ресурсларни қўллаш бўйича амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференциялар материалларида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ОАК рўйхатига кирган махсус журналлар ва хорижий илмий конференциялар материалларида эълон қилинганлиги, амалиётда жорий қилингани ва ваколатли идоралар томонидан тегишли тартибда тасдиқланганлиги билан таъминланган.

Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти унинг материалларидан тарих, халқаро муносабатлар тарихи, Эрон ташқи сиёсати бўйича дарслик ва қўлланмалар тайёрлашда, ташқи сиёсатга доир тадқиқотлар ўтказишда фойдали бўлиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эса тадқиқот материаллари ва хулосаларидан тегишли вазирлик ва идоралар, олий таълим муассасалари ва соҳага оид муассасалар мутахассислари учун таҳлилий материаллар тайёрлашда, ихтисослашган таълим муассасаларининг ўқув курслари ва дастурларида, “Эрон тарихи”, “Шарқ мамлакатлари дипломатияси тарихи”, “Жаҳон тарихи”, “Минтақашунослик” фанларини ўқитишда ҳамда тегишли йўналишларда тадқиқот ишларини бажаришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Эрон ташқи сиёсатида “юмшоқ куч” концепциясини қўллаш бўйича олинган тадқиқот натижалари асосида:

Техроннинг минтақавий ва халқаро муаммоларини бартараф этиш, ташқи сиёсатини илгари суришда дунёда сўзлашувчилар сони жиҳатидан кўпчилиқни ташкил этувчи форс, араб, ҳинд, урду, инглиз, испан, рус тилларидаги Эрон оммавий ахборот воситалари халқаро санкциялар шароитида асосий минбар ва муҳокамалар майдони вазифасини бажараётгани борасидаги илмий натижалар Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида ахборот-таҳлилий ҳужжатларни тайёрлашда фойдаланилган. (Ташқи ишлар вазирлигининг 2021 йил 16 мартдаги 18/9064 сонли маълумотномаси). Натижада Ўзбекистон ва Эрон ўртасида маданий муносабатларни олиб бориш, Эрон ташқи сиёсатидаги “юмшоқ куч” воситаларининг Марказий Осиё минтақаси республикаларига таъсири борасида хулосалар ишлаб чиқишга хизмат қилган;

Техрон ташқи сиёсатида “муслмон бирдамлиги”, “шиа ҳамжихатлиги” каби диний-сиёсий ғояларга урғу бериши Эрон атропофида аҳолисининг аксарини шиа вакиллари ташкил этувчи давлатлардан иборат хавфсиз муҳит яратишга қаратилган стратегия эканлиги борасидаги илмий-назарий хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақаларо тадқиқотлар институтида ахборот-таҳлилий ҳужжатлар тайёрлаш жараёнида фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақаларо тадқиқотлар институтининг 2021 йил 26 февралдаги 05-5/181 сонли маълумотномаси). Натижада, мазкур соҳадаги ахборот-таҳлилий маълумотларнинг кенгайишига таҳлилий материалларнинг илмий асосларини ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилишига хизмат қилган.

Эрон Олий раҳбари Рухуллоҳ Хумайний таълимотлари бўйича Яқин ва Ўрта Шарқда сиёсий-иқтисодий жиҳатдан етакчилик қилишни таъминлашга қаратилган ташқи сиёсати армия, ракета-ядро дастури ҳамда форс маданияти, санъатидан иборат “қаттиқ” ва “юмшоқ” кучларга (ресурсларга) таяниши борасидаги тадқиқот натижалари ва хулосалардан Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал-демократик партияси Сиёсий кенгаши ижроия қўмитаси хорижий мамлакатлар тажрибаларини ўрганган ҳолда қонунчилик ташаббусларини ишлаб чиқиш ҳамда сиёсий жараёнларга оид ахборот-таҳлилий ҳужжатлар тайёрлашда фойдаланилган. (Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал-демократик партияси Сиёсий кенгаши ижроия қўмитасининг 2022 йил 8 сентябрдаги 01-27/406 сонли маълумотномаси). Натижада партия фаолиятини тизимли ташкил этиш, жамиятда сиёсий ислоҳотларни амалга ошириш механизмларини такомиллаштириш, давлат органлари ўз фаолиятида инсон манфаатларини таъминлашга қаратилган бошқарув механизмига таяниш зарурияти бўйича таклифлар тайёрлашга хизмат қилган.

Эрон дипломатиясида давлатларга таъсир қилишнинг лоббизм, сиёсий имижни шакллантириш технологияларининг қўлланиши ва ривожланиш босқичлари, республиканинг минтақадаги ташқи сиёсатининг концептуал асослари, халқаро майдондаги геостратегик ўрни борасидаги илмий тадқиқот натижалари ва хулосаларидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказининг ахборот-таҳлилий ҳужжатлар тайёрлашда фойдаланилган. (Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказининг 2022 йил 6 сентябрдаги 02/432 сонли маълумотномаси). Натижада ташқи сиёсий жараёнларни ўрганишнинг ахборот-таҳлил базасининг такомиллашишига, мазкур соҳада олиб бориладиган илмий-таҳлилий ишларнинг самарадорлигининг ошишига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий анжуманда, жумладан, 2 та халқаро даражадаги ва 2 та республика миқёсидаги конференцияда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 8 илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола (улардан 6 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда) нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўққиз параграфни ўз ичига олган учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 161 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида танланган мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот усуллари, диссертациянинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти асослаб берилган, тадқиқот натижаларининг апробацияси бўйича маълумотлар келтирилган, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Эрон ташқи сиёсатининг концептуал-назарий асослари (XX аср охири – XXI аср боши)”** деб номланган биринчи бобида “юмшоқ куч”дан ташқи сиёсат воситаси сифатида фойдаланишнинг назарий асослари, унинг услублари ва методологияси Жозеф Най, Жан Бодрийяр, Жиль Липовецкий каби етакчи олимларнинг концепциялари нигоҳида таҳлил қилиниб, мазкур тенденциялар таъсирида шаклланган Эрон Ислом Республикаси ташқи сиёсати генезиси ва эволюцияси ўрганилган. Хусусан, “юмшоқ куч” назариясини баҳолашда фойдаланиладиган ҳозирги концептуал ёндашувлар ташқи сиёсат ва халқаро муносабатлар тарихи нуқтаи назаридан тадқиқ қилинган.

Қайд этилишича, Иккинчи жаҳон урушидан кейин халқаро майдонда етакчилик қилиш учун рақобат ҳарбий соҳадан иқтисодий соҳага кўчиши ва турли муаммоларни ҳал қилиш учун ўзаро умумий манфаатларни излаш самарали восита эканлиги намоён бўлгани натижасида давлатлар ўз ташқи сиёсатида маданий дипломатияга алоҳида эътибор қаратиб, мазкур йўналишдаги саъй-ҳаракатларини ривожлантиргани таъкидланади.

Шу боис диссертацияда сиёсий реализм ва неолиберализм назариялари бўйича амалга оширилган Эрон тарихига оид тадқиқотлар асосида XX аср охири – XXI аср бошида Эрон ташқи сиёсатига “қаттиқ куч” ва “юмшоқ куч” концепцияси олиб кирилиши ҳамда ундан келиб чиққан ҳолда Техрон ташқи сиёсий фаолияти стратегияси ва тактикаси шакллантирилгани кўрсатиб берилади.

Тадқиқотда XX аср охиридан бошлаб, етакчи давлатлар томонидан амалга ошириладиган “қаттиқ куч” ва “юмшоқ куч” сиёсатига батафсил таъриф берилиб, уни ташқи сиёсатда қўллайдиган мамлакатга келтирадиган

сиёсий дивидентлар алоҳида кўрсатиб берилади. Шу ўринда, “куч” омилига шарҳ берилар экан, “қаттиқ куч” сифатида қуролли аралашув, ҳарбий-сиёсий, иқтисодий тазйиқ, лоббизм кабилар зикр этилади. Шунингдек, “юмшоқ куч” сифатида мажбурлаш билан эмас, балки жозибадорликни ошириш, ишонтириш, маданият ва миллий кадриятларин тарғиб қилиш орқали амалга ошириладиган сиёсат эканлиги таъкидланади⁵.

Ушбу бобда турли манбалар таҳлили асосида XX аср 80-йилларидан кейин Техрон дипломатияси Р.Хумайнийнинг сиёсий қарашлари, жумладан, унинг давлатлараро муносабатларни амалга ошириш борасидаги нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилган деган фикр илгари сурилиб, мазкур даврдан Эрон Олий раҳбари ташқи сиёсатни белгилаб берувчи олий инстанция бўлиб келаётгани таъкидланади. Бунда эътиборга лойиқ томони шундаки, 90-йиллардан Эрон ташқи сиёсатига оид масалалар ва вазифалар алоҳида ҳужжат сифатида эмас, балки Эрон Конституциясининг алоҳида бўлими сифатида қайд этилган.

Диссертацияда Эрон ташқи сиёсати генезиси ва эволюциясини ўрганиш асосида мамлакат ташқи сиёсати “ислом инқилоби экспорти” ҳамда “на Шарқ, на Ғарб – фақат ислом” ғояларига таяниши, расмий Техрон ташқи сиёсатини халқаро муносабатлардаги реализм назарияси асосида ишлаб чиқишга устуворлик бергани тадқиқотнинг илмий натижаларидан бири сифатида келтирилади. Р.Хумайний ғоялари асосида амалга оширилган ташқи сиёсат Техроннинг дунё ҳамжамияти билан муносабатларини мураккаблаштирди, сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан халқаро майдонда яққаланиб қолишига олиб келди.

XX аср 80-йиллари охири Эрон ташқи сиёсати мамлакат сиёсий истеблишментидаги прагматиклар ва реалистларнинг Техрон “юмшоқ куч” сиёсатини қўллаш ва “ислом маданиятини экспорт қилиш” орқали ташқи сиёсий мақсадларни амалга оширишга эътибор қаратиш ҳолатида шакллангани кўрсатиб берилган. Ушбу мулоҳазанинг далили сифатида 1989-1997 йиллар Али Акбар Ҳошимий-Рафсанжонийнинг президентлиги даврида расмий Техрон ташқи сиёсати прагматик тус олиб, қатор давлатлар билан муносабатлар конструктив қайта кўриб чиқилгани зикр этилади.

Шунингдек, Муҳаммад Хотамийнинг президентлик йиллари (1997-2005) диссертацияда ислохотчи-сиёсатчилар ҳукмронлиги даври деб номланиб, Эрон ташқи сиёсати янги мазмун олгани кўрсатилган. Шу ўринда, мазкур давр Эронни халқаро яққаланишдан чиқариш ва кўп қутбли тизим доирасида кўп векторли ҳамкорликни йўлга қўйишга қаратилган “цивилизациялар мулоқоти” ташаббуси илгари сурилгани М.Хотамийнинг муҳим ташқи сиёсий ютуғи сифатида баҳоланган.

Эрон президентлари ташқи сиёсатлари фаолиятлари таҳлили доирасида Маҳмуд Аҳмадинажод, Ҳасан Рухонийнинг ташқи сиёсий позициялари атрофлича тадқиқ этилган. Хусусан, 2005 йилдан Эрон дипломатияси ташқи

⁵ Леонова О.Г. Мягкая сила – ресурс внешней политики государства // Обозреватель. URL: http://observer.materik.ru/observer/ N4_2013/027_040.pdf.

сиёсат риторикасини сезиларли даражада кескинлаштириб, мамлакатни 2025 йилга қадар иқтисод, фан ва технологиялар бўйича минтақада биринчи ўринга олиб чиқишга қаратилган “Ривожланишнинг 20 йиллик режаси” номли стратегия қабул қилингани кўрсатилади. Бироқ Эрон сиёсий элитасида мамлакатнинг халқаро мавқеи юзасидан турли қарама-қарши ёндашувлар мавжудлиги боис Техроннинг янги ташқи сиёсатида кутилган самарага эришилмади.

Ушбу бобда Ҳасан Рухонийнинг президентлик даврида Эрон ташқи сиёсатида мазкур йўналишда эришилган муайян ижобийликларни ҳам кўрсатишга эътибор қаратилган. Хусусан, ушбу мулоҳазанинг далили сифатида 2013-2021 йиллар Эрон халқаро ҳамжамият томонидан минтақанинг етакчи давлатларидан бири сифатида эътироф этила бошлангани, шунингдек, ядро дастурини амалга ошириш, халқаро санкцияларни бекор қилиш масалаларидаги янги тенденциялар зикр этилади.

Юқорида зикр этилган мулоҳазалардан келиб чиқиб, диссертацияда Эрон ташқи сиёсатининг концептуал-назарий асослари хорижий етакчи илмий тадқиқот марказлари ҳамда форс, инглиз ва рус тилларида тадқиқот олиб борган олимлар томонидан ўрганилишини таҳлил қилиш, мамлакат ташқи сиёсати тарихини ўрганишга оид тадқиқотларни классификациялашга ҳам эътибор қаратилган. Хусусан, расмий Техрон ташқи сиёсатининг стратегик мақсади Яқин ва Ўрта Шарқ минтақасида ва мусулмон оламидаги нуфузини мустаҳкамлаш, кўп қутблилик тамойилини илгари суриш ҳамда кўп векторли ташқи сиёсатида ижобийликни таъминлашга қаратилганлиги қайд этилади.

Биринчи боб доирасида амалга оширилган тадқиқот асосида XX аср охири – XXI аср бошида Эрон сиёсий истеблишментидаги ислохотчилар тоифаси вакиллари консерватив сиёсатчиларга нисбатан халқаро масалаларда прагматик ва мувозанатли ташқи сиёсат юритишни ёқлаб чиққани, XX аср 80-йилларидан кейин Эрон ташқи сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда ислом омили асосий ўрин тутган бўлса, XXI аср бошида глобализация жараёнлари таъсирида кечгани, хорижий мамлакатлар билан тарихий, маданий ва диний муштараклик Р.Хумайний ва А.Хоманей раҳбарлиги даврида Эрон ташқи сиёсатидаги “юмшоқ куч”нинг асосий ресурслари бўлгани, Олий раҳбарият ташқи сиёсий фаолиятда, биринчи навбатда, мамлакат миллий манфаатлари таъминланишига устуворлик бериши борасида хулоса қилинади.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Эроннинг XX аср охири – XXI аср бошидаги ташқи сиёсати хусусиятлари”** деб номланиб, унда Эрон ички ва ташқи сиёсатининг ишлаб чиқилишига хос хусусиятлар, ижтимоий-сиёсий жараёнларидаги янги тенденциялар тадқиқ этилган, ташқи сиёсат масалаларини тадқиқ этиш борасидаги концептуал қараш ва ёндашувларда “юмшоқ куч” талқини, халқаро муносабатларда минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашнинг сиёсий механизмлари ҳамда унинг халқаро ҳуқуқий асослари кўриб чиқилган. Шунингдек, ташқи сиёсат стратегиясини

амалга оширишда нодавлат-нотижорат ташкилотлар ва жамғармаларнинг ўрни ва роли, халқаро майдонда ва хорижий мамлакатларда Эрон манфаатларини илгари суришда фойдаланиладиган ташқи ресурслар ва имкониятлар таҳлил қилинган.

Тадқиқотда инқилобдан кейин Техрон дипломатиясининг шаклланиши ва ривожланиш босқичлари ҳамда ташқи сиёсатининг институционал асослари, диний омилдан “юмшоқ куч” сифатида фойдаланиш услублари тизимли равишда ўрганилиб, республиканинг халқаро имижини мустаҳкамлашдаги ўрни ва роли очиб берилди. Шу билан бирга, ҳозирги Эрон сиёсий бошқарув тизими 1989 йилдан, яъни мамлакат конституциясига ўзгартиришлар киритилганидан кейин шакллангани, қарор қабул қилиш жараёнида руҳониятнинг нуфузини мустаҳкамлашга қаратилгани кўрсатиб берилди.

Эрон ташқи сиёсатини амалга оширувчи тизим Олий раҳбар, президент, парламент, Ташқи ишлар вазирлигидан ва конституциявий кенгашлардан таркиб топгани қайд этилиб, мазкур тузилмада Эрон олий Раҳбари алоҳида ўрин тутиши, Асосий қонунда белгиланган ваколатлари туфайли у мамлакатдаги энг салоҳиятли сиёсий институт мақомига эгаллиги, Техрон ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаши, турли сиёсий институтлар фаолиятига аралашishi учун имконият яратиши асослаб берилган. Таъкидланишича, нодавлат-нотижорат ташкилотлар, жамғармалар Эрон “юмшоқ куч” сиёсатининг институционал асоси бўлиб, давлат мафкурасининг тарғиботчилари ҳисобланади. XX аср 80-йиллари бошидан жамғармалардан ташқи сиёсатнинг “юмшоқ куч” воситаси сифатида, шунингдек, ички сиёсатда Эрон ҳукумати легаллиги ва легитимлигини мустаҳкамлашда фаол фойдаланилади. Бугун Эрон ва хорижда давлат номидан фаолият юритаётган жамғармалар ислом инқилобининг маҳсули бўлиб, уларнинг асосий вазифаси мамлакат миллий манфаатларини ҳимоя қилиш ва унинг мақсадларига хизмат қилишда намоён бўлади.

Эрон жамғармалари нуфузи А. Ҳошимий-Рафсанжоний ва М.Хотамий президентлиги даврида ошгани, М.Аҳмадинаждо даврида, аксинча, уларнинг фаолияти пасайгани аниқланган. Ҳ.Рухоний 2013 йилда ташқи сиёсатда “юмшоқ куч” ресурсларига муҳим эътибор қаратишни ёқлаб чиққани натижасида Эрон сиёсатчилари “юмшоқ куч”ни мамлакат ташқи сиёсатининг асоси сифатида эътироф этгани ва турли нодавлат-нотижорат ташкилотлар фаолияти фаоллашгани қайд этилади. Нодавлат-нотижорат ташкилотлар Эрон маданиятини чет элда тарғиб этишда “юмшоқ куч” стратегиясининг асосий воситаси бўлаётгани, уларнинг фаолияти уч йўналишда – ижтимоий-иқтисодий кўмак бериш, форс тилини ўргатиш ва маданий тадбирларни ўтказиш асосида амалга оширилаётгани кўрсатилади. Шу ўзанда Эроннинг “Эҳтиёжмандлар жамғармаси”, “Алавий”, “Имом Хумайний мадад жамғармаси” каби қатор ташкилотларининг хорижий давлатлардаги инсонпарварлик фаолияти тадқиқ этилади ва Эроннинг “юмшоқ куч”

стратегиясини амалга оширишда муҳим ўрин тутадиган “Саъдий”, “Фаробий” жамғармаларининг саъй-ҳаракатлари алоҳида таҳлил қилинади.

Қайд этилишича, фақатгина “Саъдий” жамғармасининг форс тилини халқаро миқёсда оммалаштириш йўлидаги саъй-ҳаракатлари натижасида Европа давлатларида 16 та, Осиёда 24 та, Яқин Шарқ ва Африка мамлакатларида 16 та Эрон маданият марказлари фаолияти йўлга қўйилган. Шунингдек, унинг кўмагида дунёнинг 340 та олий таълим муассасаларида форс тили ўқитилиши ташкил этилган, Эроннинг чет эллардаги 70 та элчихоналари ҳузуридаги форс тилини ўқитиш курсларида 10 мингга яқин хорижий фуқаролар таҳсил олаётгани зикр этилади.

Эрон диний жамғармалари фаолияти тадқиқ этилар экан, “Ислом тарғиботи ташкилоти”, “Аҳлулбайт”, “Ислом иттифоқи” каби уюшмалари орқали Техрон миллий манфаатларида самарали фойдаланиётгани таъкидланади. Бевосита Олий раҳбарга ҳисобдор Ислом маданияти ва алоқалари ташкилоти чет эллардаги мусулмон жамоалари билан алоқаларни мустаҳкамлаш орқали Эроннинг хориждаги “юмшоқ куч” стратегияси амалга оширилишини таъминлашга қаратилган фаолияти ўрганилиб, у Маданият ва ислом ишлари вазирлиги билан бирга саъй-ҳаракат қилиши қайд этилади.

Эрон ташқи сиёсатида янги технологияларнинг қўлланилиши, бу борада Техрон ҳукумати миллий манфаатларни ҳимоя қилиш ва уларни илгари суришда “юмшоқ куч”нинг замонавий сиёсий технологияси сифатида рақамли ва оммавий дипломатиядан фойдаланиши кўрсатилган. Шунингдек, ҳозирги вақтда «юмшоқ куч» технологиясининг таъсир этиш йўналишлари ва босқичлари алоҳида таҳлил этилган ҳолда, “юмшоқ куч” орқали бошқа давлатлар жамиятига чуқур таъсир кўрсатиш мумкинлиги келтирилади.

Диссертацияда давлат ташқи сиёсий вазифаларини амалга ошириш, хусусан, ташқи сиёсий фаолиятини ахборот билан таъминлаш ҳамда ижобий имижини мустаҳкамлашда замонавий технологияларнинг ўрни ва роли тобора ошиб бораётгани боис мазкур жараёни сиёсий жиҳатдан баҳолаш учун давлат ташқи сиёсий вазифаларини амалга оширишда рақамли дипломатия омили муҳим аҳамият касб этиши таъкидланади. Эроннинг хорижий мамлакатлардаги элчихоналари фаолиятини ўрганиш натижаларидан келиб чиқиб, рақамли технологиялар Техрон ташқи сиёсатини амалга оширишда “юмшоқ куч”га таянган ҳолда белгиланган сиёсий ва иқтисодий мақсадларга эришиш ҳамда хорижий жамоатчилик нигоҳида ўз институтлари, кадриятлари, маданияти ва бошқа жиҳатларининг жозибадорлигини таъминлаш орқали тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади. Эрон рақамли технологиялардан виртуал майдонларда мазкур масалалар ечимини жамоатчилик фикрини ўрганиш, уни мунтазам хабардор этиб бориш, кенг ижтимоий-сиёсий доиралар вакиллари билан мулоқотга киришиш ҳамда мамлакат ҳаётидаги қатор долзарб масалалар юзасидан кун тартибини шакллантириш орқали таъминлашга хизмат қилади.

Ушбу бобда Эрон ташқи сиёсатининг институционал асослари тизимлаштирилади, “юмшоқ куч”дан фойдаланиш стратегияси мажбурлашга

эмас, балки реципиентларни ташқи сиёсати семантикасига жалб қилишга асослангани, рақамли дипломатия Техрон ташқи сиёсатининг муҳим элементига айлангани борасида хулоса қилинади.

“Эроннинг “юмшоқ куч” сиёсатини амалга ошириш воситалари” деб номланган учинчи боб XX аср охиридан Эрон ташқи сиёсат маҳкамаси “юмшоқ куч” концепциясидан мамлакат миллий манфаатларини илгари суриш воситаси сифатида фойдалана бошлагани ва бунда мамлакатнинг тарихий, маданий, диний ресурсларига урғу берилгани тадқиқ этилган. Шу билан бирга, Эрон томонидан Марказий Осиё республикаларида форс тилини ўрганиш дастурларини рағбатлантириш, таълим грантларини тақдим этиш, ижтимоий-иқтисодий ёрдам кўрсатиш каби “юмшоқ” воситаларни қўллаш орқали минтақада ижобий имижини шакллантириш ҳаракатлари ўрганилган.

Эрон ташқи сиёсатида “юмшоқ куч” омили бўлмиш Эрон маданий мероси муҳим ўрин тутиши, президент А. Ҳошимий-Рафсанжонийнинг дипломатиясида “Эрон маданий мероси” тушунчасига исломдан аввалги давр маданий ютуқлари, форс тили ва ўрта аср шеърляти киритилгани зикр этилади. Маданий меросга цивилизациявий ёндашув М.Хотамийнинг “Цивилизациялар мулоқоти” сиёсатида алоҳида ўрин тутгани ва М.Аҳмадинаждо даврида “кўп кутбли дунё” марказларидан бири сифатида кўрсатиш имконини бергани, Ҳ.Рухоний маданий дипломатияга устуворлик бергани тадқиқ этилган. Дин, таълим, мусиқа, киноматаграфия, спорт, туризм, мода кабилар Эрон ташқи сиёсатининг маданий ресурслари эканлиги тадқиқ этилган. Сифатли таълим Эрон “юмшоқ кучи”ни шакллантирувчи омиллардан бири бўлиб, сўнгги йилларда Эроннинг халқаро миқёсдаги нуфузини оширишга хизмат қилаётгани зикр этилади. Эроннинг ушбу йўналишдаги ташқи сиёсати шиалар кўпчиликини ташкил қилувчи, Ироқ, Ливан, Баҳрайн, Қатар, Кувайтда маданий бурилиш ясагани таъкидланади.

